Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

# Ishonch

2019 йил 26 ноябрь • сешанба • № 141 (4270)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

*Тошкент шаҳри*

## БАРЧА УЧУН ФОЙДАЛИ ТАМОЙИЛ

*1000 иш ўрнига эга корхонада меҳнат муҳофазаси энг муҳим омил ҳисобланади*

*Сирғали туманидаги «Solanuz» корхонаси 6 та масъулияти чекланган жамиятини ўзида бирлаштирган "Agrover" кластер компаниясининг бир бўлаги. Шу йил ташкил этилган корхона йилига 14 минг тонна ярим тайёр картошка фриси ва 4 минг тонна картошка ёрмаси ишлаб чиқариш қувватига эга.*










Бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар йирик супермаркет, кафе ва ресторанларга етказиб берилади. Сифатга қаратилган эътибор натижасида Тожикистон, Қозоғистон, Чехия, Польша, Исроил ва Бирлашган Араб Амирликларига экспорт қилиш имконияти яратилмоқда.

1000 нафарга яқин ходим ишлаётган корхонада меҳнат муҳофазасига алоҳида эътибор қаратилади. Ишчилар махсус кийим, икки маҳал иссиқ овқат билан таъминланган. Уларнинг ишга келиб-кетиши учун махсус автобус ажратилган.

– Меҳнат хавфсизлигига тўла риоя қилиниши барчамиз учун фойдали, – дейди корхона директори ўринбосари Жаҳонгир Мелибоев. – Шу боис корхонамизда иш бошлаган ходим, аввало, махсус курсда ўқитилади. Мақсадимиз дунё бозорига чиқиш. Бунда эса ишчи-ходимларнинг малакаси ва билимига таянамиз. Демак, уларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва қулай иш шароитини таъминлашимиз асосий вазифа бўлиши керак.

**Зебо НАМОЗОВА,**
«ISHONCH»



Келгуси сонларда ўқинг...

### ЎЗГАРИШЛАРНИ ҲИС ҚИЛДИНГИЗМИ, ЗАМОНДОШ?

**Ёхуд янгиланаётган Ўзбекистон манзаралари**

## Олти ойда ҳам олинмаган СЕРТИФИКАТ

***ёхуд ҳужжатлар Тошкентдан Хоразмга қачон етиб келади?***

Кўпчилик билади, ўқитувчилар малака тоифасига эга бўлиш учун аттестациядан ўтишади. Унда қайси тоифани қўлга киритса, шунга яраша устамага эга бўлишади.

Шу йилнинг 20-21 май кунлари Урганч шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли мактабларда меҳнат қилаётган 312 нафар ўқитувчи ҳам малака тоифаси олиш учун аттестациядан ўтказилган эди. Улар малака тоифасига эга бўлгани ҳақида аттестация комиссияси қарори асосида Урганч шаҳар халқ таълими бўлимининг 2019 йил 21 майдаги 68/ 1 сонли буйруғи имзоланган ва мактабларга етказилган. Аммо орадан олти ой ўтганига қарамай ушбу буйруқ ижроси таъминланмасдан келинмоқда.

Бундан норози бўлган ўқитувчилар Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Урганч шаҳар кенгашига масалани ҳал қилишда амалий ёрдам сўраб мурожаат қилишди.

2 ▸

*Тошкент шаҳри*

Давра суҳбати



## Долзарб мавзуда мулоқот

**Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси «Меҳнат соҳасидаги муҳим масалалар» мавзусида давра суҳбати ўтказди.**

Унда шаҳар ҳокимлиги, меҳнат, молия бошқармалари ва бошқа давлат бошқарув органлари вакиллари қатнашди.

Давра суҳбатида сўзга чиққанлар таъкидлаганидек, жамоа келишувларида ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлашни ташкил этиш, қонун ҳужжатларида кўрсатилганидан юқорироқ тўловларни ўрнатиш тартибини белгилаш, ходимлар учун узайтирилган асосий ва қўшимча таътиллар ўрнатиш, тармоқ хусусиятларидан келиб чиқадиган бошқа масалаларга оид аниқ ва батафсил меъёрлар келтирилган. Ижтимоий кафолатлар, соғлиқни муҳофаза қилиш, ходимлар ва уларнинг оила аъзолари, шу жумладан, болаларни соғломлаштиришни ташкил этиш масалалари акс эттирилган. Тузилаётган жамоа шартномалари орқали эса ходимларнинг касби, малакаси ва меҳнат шартномасига биноан тўла бандлигини таъминлаш, аёллар ва ёшлар учун имтиёзлар тизимини жорий этиш, янги иш ўринларини барпо қилиш, меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш чоғида қонун меъёрларига риоя этиш каби масалалар ҳал этилмоқда.

Давра суҳбатида иштирокчиларни қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан жавоб берилди. Кириб келаётган йил олдидан мавжуд муаммоларни бартараф этиш учун янги ғоя ва лойиҳалар яратиш асосий масала эканлиги алоҳида таъкидланди.

**Озода РЎЗИҚУЛОВА,**
«ISHONCH»

## КУН НАФАСИ

Татаристон Республикаси Президенти Рустам Миннихонов 25 ноябрь куни ташриф билан юртимизга келди.

**uza.uz**

* * *

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлисида **Сенатнинг йигирма тўртинчи ялпи мажлиси**ни жорий йил 30 ноябрь куни Тошкент шаҳрида чақириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

**senat.uz**

* * *

2019 йилнинг 23 ноябрь куни Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти **(ЕХҲТ)** Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг **(ДИИҲБ)** сайлов жараёнларини кузатиш бўйича тўлақонли миссияси жорий йил 22 декабрда мамлакатимизда бўлиб ўтадиган сайловларни кузатиш мақсадида **юртимизга ташриф буюрди.**

**uza.uz**

* * *

Самарқанд шаҳрида **«Invest in Samarkand» I халқаро инвестиция форуми** ва вилоят маҳаллий ишлаб чиқарувчиларининг **«Made in Samarkand» миллий кўргазмаси** бўлиб ўтди.

**uza.uz**

* * *

**Зокир Бозоров** Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги директорининг биринчи ўринбосари лавозимига тайинланди.

**mf.uz**

* * *

Тошкент-Жидда-Тошкент йўналиши бўйлаб Саудия Арабистонига Умра ибодатини адо этиш учун жўнаб кетган зиёратчиларимиз мамлакатимизга соғ-омон етиб келди.

**Дин ишлари бўйича қўмита матбуот хизмати**

* * *

Тошкентда 25 ноябрь куни **«Марказий Осиё мамлакатларида ишлаб чиқариш салоҳияти, савдо ва барқарор ривожлантириш мақсадлари»** мавзусида минтақавий конференция бўлиб ўтди.

**uza.uz**

* * *

Жиззах вилояти Пахтакор туманидаги «Обод қишлоқ» дастури асосида бунёд этилаётган янги турар-жой массивларида Президентимизнинг бешта муҳим ташаббуси доирасида «Китобхонлик кунлари» ўтказилди.

**uza.uz**

* * *

Москва шаҳрида 25 ноябрь куни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат ахборот агентликлари раҳбарлари кенгаши (МДҲ Ахборот кенгаши)нинг XXVII мажлиси бўлиб ўтди.

**uza.uz**

Фотонигоҳ




## ТИЛНИ БУЗИБ ПУЛ ТОПИШ «САНЪАТИ»

***Пойтахтимиз кўчалари кун сайин гўзаллашмоқда. Бир-биридан кўркам бинолар, чиройли безакларни кўриб дил яйрайди. Ана шунда... олдингиздан мана шундай реклама афишалари чиқиб қолсами?..***

***Дилни хира қилгувчи бу зўраки матнларни ҳам назорат қиладиган идоралар бормикан? Ёки шу тахлит она тилимизга «ҳурмат» кўрсатиб юраверамизми?***

**Икром ҲАСАНОВ олган сурат**



### ҚАЛБ КЎЗИ ЁПИЛМАСИН!

*Ёхуд лоқайдлик оқибатлари*

4

### БУЮК АЛЛОМАНИНГ МУНҒАЙГАН МАҚБАРАСИ

*ёхуд давлат муҳофазасидаги зиёратгоҳга қачон эътибор қаратилади?*




3



“ Ўзбекистонда илк марта «Ижодкор ўқитувчилар олимпиадаси» ўтказилади ”

“ Прокуратура ОАВдаги 59 та чиқишга муносабат билдирди ”

МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИ ОЙЛИГИ

*Тошкент вилояти*

# ТАШАББУС МАЪҚУЛЛАНДИ:

## 2020 йилдан бошлаб Тошкент вилояти бюджет ташкилотлари ходимлари иш берувчи томонидан бепул тиббий кўрикдан ўтиш имкониятига эга бўлади.

**Айни пайтда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ушбу йўналишдаги ишларни бошлаб юборган. Қарор лойиҳаси ишлаб чиқилиб, вилоят ҳокимига киритилган.**



Бу ҳақда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ташаббуси билан Нурафшон шаҳридаги 12-мусиқа ва санъат мактабида ўтказилган «Меҳнат соҳасидаги муҳим аҳамиятга молик масалалар» мавзуидаги давра суҳбатида маълум қилинди.

«Меҳнат муҳофазаси ойлиги» доирасида ташкил этилган ушбу тадбирда бирлашма кенгаши раҳбар ва ходимлари, фаоллар, меҳнат муҳофазаси ҳамда техника хавфсизлиги вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўнгги йилларда инсон манфаатлари йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, барча соҳаларда ходимларнинг меҳнат шароитини яхшилаш, уларнинг хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани, бу борада тизимли ишлар олиб борилаётгани таъкидланди.

– Халқ давлат идораларига эмас, балки давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак, деган тамойил кундалик ҳаётимизга татбиқ қилингач, жуда кўплаб соҳаларда туб ўзгаришлар содир бўлмоқда, – деди бирлашма кенгаши раиси ўринбосари Ўткир Рашидов. – Хусусан, касаба уюшмалари, иш берувчилар бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан аҳолининг фаровон турмуш кечириши учун бир қатор янгиликлар жорий этилмоқда. Масалан, аввалги семинарларимизда фуқаролар томонидан бюджет ташкилотлари ходимларини бепул тиббий кўрикдан ўтказиш борасида таклиф тушган эди. Унга биноан зудлик билан чора-тадбирлар ишлаб чиқдик. Насиб қилса, келаси йилдан ушбу таклифлар амалиётга татбиқ этилади.

Семинарда тегишли мутахассислар томонидан «Аҳоли бандлигини таъминлаш ишлари ва меҳнат муносабатларини янада такомиллаштириш», «Касаба уюшмалари, иш берувчилар бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ўртасида тузилган ҳудудий (минтақавий) келишуви бажарилишининг дастлабки натижалари» каби бир қатор мавзуларда маърузалар қилинди.

Жонли мулоқот тарзида ўтган тадбирда иштирокчиларни қизиқтирган саволларга жавоб берилди.



**Ғуломжон МИРАҲМЕДОВ, «Ishonch»**

*Сирдарё вилояти*



**Йил давомида жамоа шартномалари бажарилишини таҳлил этиш жараёнида меҳнаткашлар томонидан қатор таклифлар билдирилади. Улар ҳақида бевосита фикр алмашиш, тегишли ташкилот ва муассасаларга етказиш мақсадида Сирдарё вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида «Меҳнат соҳасидаги муҳим аҳамиятга молик масалалар» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.**

# Меҳнат соҳасидаги муҳим масалалар муҳокамаси

Унда меҳнат соҳасидаги муаммоли масалаларнинг катта қисмини шу жойнинг ўзида ҳал этиб, қолганларини тегишли корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликда босқичма-босқич кўриб чиқиш белгиланди.

Шу билан бирга, иш билан таъминлаш, иш ҳақи ва меҳнат муносабатлари масалалари, ижтимоий ҳимояни янада кучайтириш йўллари, бюджет ташкилотларида иш ҳақи, ижтимоий ҳимоя ҳамда меҳнат муҳофазаси ишларини молиялаштириш каби қатор масалаларда мутахассисларнинг маърузалари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Тадбирда маҳаллий миқёсда ҳал этиладиган долзарб муаммолар ечимини топиш мақсадида вилоят ҳокимлиги ва касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг қўшма чора-тадбирлари ишлаб чиқилиши белгилаб олинди.

– Бундай давра суҳбатларининг ташкил этилиши касаба уюшмалари қуйи тизимлари фаоллари учун ҳам жуда муҳимдир, – дейди Гулистон шаҳар тиббиёт бирлашмаси бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Назира Қиличева. – Биз соҳа мутахассисларидан ўзимизга керакли маълумотларни олдик ва уларни ўз фаолиятимиз давомида қўллаймиз.



**Озода МАМАДАЛИЕВА, «Ishonch»**

*Навоий вилояти*

Семинар

# Шароит бор жойда шикоят бўлмайди

**Навоий вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ташаббуси билан ишчи-ходимларга муносиб меҳнат шароитларини яратиш, ижтимоий ҳимоя ҳамда хавфсизлик чораларини кучайтиришга бағишланган семинарлар ташкил қилинди.**

«Қизилқумцемент» АЖда бўлиб ўтган семинар «Хавфсизлик, саломатлик ва келажакдаги меҳнат» деб номланди. Унда бирлашма кенгаши раиси Назира Тоғаева йиғилганлар эътиборини мамлакатимизда муносиб ва хавфсиз меҳнат қилиш учун яратилаётган кенг имкониятлар кўлами, кучли ижтимоий ҳимоянинг халқимиз учун нақадар фойдали бўлаётганига қаратди.

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Баҳодир Султоновнинг ишчи-ходимлар саломатлигига жиддий хавф солувчи омилларни бартараф этиш механизмларини кучайтириш, муносиб ва хавфсиз меҳнат қилишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш билан боғлиқ фикрлари ҳам қизғин мунозараларга сабаб бўлди.

Тадбирда қатнашчилар иш берувчилар ва ходимлар ўртасида соғлом меҳнат муҳитини яратиш, меҳнатни муҳофаза қилиш борасида жамоатчилик назоратини янада юқори даражага олиб чиқиш масалаларида бир тўхтамга келишди.

Бирлашма мажлислар залида бўлиб ўтган «Меҳнат соҳасидаги муҳим аҳамиятга молик масалалар» мавзусидаги давра суҳбатида эса Йил дастури ижроси, аҳоли бандлигини таъминлаш, меҳнат муносабатларини такомиллаштириш, бюджет ташкилотларида меҳнатга ҳақ тўлаш, ижтимоий ҳимоя каби масалаларга эътибор қаратилди. Касаба уюшмалари, иш берувчилар ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ўртасида тузилган ҳудудий келишувлар натижалари муҳокама қилинди.

Тадбирда иштирокчилар ходимга таътил пайтида даволаниши учун моддий ёрдам бериш, хизмат доирасидаги сафар харажатларини молиялаштириш, мукофотлаш, нафақага кузатиш борасидаги янгиликлардан бохабар этилди.



**Нормурод МУСОМОВ, «Ishonch»**

*Тошкент шаҳри*

Ҳамкорлик

# «Ўзбекистон фахри»дан янги имкониятлар

**Жорий йилнинг октябрь ойида пойтахтимизнинг Олмазор туманида Тошкент чинни заводи замонга ҳамнафас тарзда қайтадан бунёд этилиб, ишга туширилди. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистоннинг фахри, дея эътироф этган бу завод эндиликда талабаларга ҳам янги имкониятлар маскани бўлиб хизмат қилади.**



Тошкент кимё-технология институтининг бир гуруҳ раҳбар ходимлари, профессор-ўқитувчилар, докторантлар, магистрлар ва иқтидорли талабалари заводга ташриф буюрдилар.

Ташриф давомида институт профессори, айни пайтда ушбу заводда малакали кадрларни тайёрлашда яқиндан кўмаклашиб келаётган Мастура Арипова барчани заводнинг чинни ишлаб чиқариш учун керакли хомашё сақланадиган омборидан то тайёр маҳсулот омборигача, заводда ташкил этилган музей, лаборатория ва ўқув хоналари билан таништирди.

Тошкент кимё технология институти ва Тошкент чинни заводи ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланганлиги эса янги имкониятлар эшигини очиб берди. Айтиш керакки, ушбу ҳамкорлик келажакда институт тадқиқотчи ва талабаларининг ўқишдан бўш вақтларида назарий билимларини амалиётга татбиқ этишлари учун завод лаборатория ва ўқув хоналарида соҳага оид билимларини янада такомиллаштириб, иш жараёнида иштирок этишлари мумкинлиги билан янада эътиборлидир. Айни вақтда заводда ўқув маркази ташкил этилган бўлиб, талабалар мутахассислик фанларидан қўшимча билимларини шу ерга келиб ошириш имкониятига ҳам эга бўладилар.

**Шавкат ТОИРОВ,**
Кимё ва фармацевтика саноати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси

*Бухоро вилояти*

Мактуб

# Менга ишонч бердингиз...

Мактабда ўқитувчиман. Касбимни жуда яхши кўраман. Кейинги вақтда биз, педагогларга кўрсатилаётган эътибордан кўнглимиз ва қаддимиз янада юксалмоқда.

Мени... Анчадан бери оғир дард қийнаб келарди. Ўтиб кетар, деган умидда (тўғрироғи, даволанишга ортиқча маблағим йўқлиги сабабли) соғлиғимга эътибор бермадим. Охири, дард мени енгди. Ётиб қолдим. Жамоамиз мени кўргани келишди. Мактабимиз касаба уюшма қўмитаси сиҳатгоҳда даволаниш шартлигини айтиб, бунинг учун касаба уюшмасига мурожаат қилишимни маслаҳат берди.

Шундай қилдим. Мени илиқ кутиб олган Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Ғиждувон тумани кенгаши раиси Юнус Ҳамидов аризам билан танишиб чиққач, эринмай бир неча сиҳатгоҳларнинг маъмурияти билан қўнғироқлашиб, касалим ҳақида суҳбатлашгач, Навоий вилоятидаги «Олтинсой» санаторийсига бепул йўлланма ажратди.

Буни қаранг-ки, ушбу сиҳатгоҳдаги қисқа муддатли даволанишдан сўнг узоқ вақт қийнаб келган дарддан бутунлай халос бўлдим.

Ҳаётимдаги бу воқеа менинг касаба уюшмаларига бўлган ишончимни мустаҳкамлади. Бугун юракдан айтилаётган сўзларимни қабул қилинг: касаба уюшма фаоллари мен сизлардан чексиз миннатдорман...

**Соҳиба ЖУМАЕВА,**
Ғиждувон туманидаги 27-умумтаълим мактаби ўқитувчиси

*Хоразм вилояти*

Таассуф

# ОЛТИ ОЙДА ҲАМ ОЛИНМАГАН СЕРТИФИКАТ

## *ёхуд ҳужжатлар Тошкентдан Хоразмга қачон етиб келади?*

◄1

Биз ушбу мурожаатлар асосида шаҳар халқ таълими бўлими мутасаддилари билан бир неча бор музокара олиб бордик. Мутасаддилар ўқитувчиларнинг малака тоифалари олгани ҳақидаги Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги таълим сифатини назорат қилиш инспекцияси томонидан сертификатлар ҳали тақдим қилинмагани туфайли малака тоифалари учун устамалар тўланмаётганини билдиришди.

Маълумки, мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва мактабдан ташқари давлат таълим муассасалари педагог кадрларини аттестациядан ўтказиш Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги 392-сонли қарори билан тасдиқланган низомга асосан амалга оширилади. Мазкур низомнинг 29-бандида «олий, биринчи ва иккинчи малака тоифали педагог кадрларга сертификатлар олиш учун Давлат инспекциясига буюртманома бериш ҳамда аттестациядан сўнг бир ой муддатда педагог кадрларни сертификатлар билан таъминлаш» вазифаси юклатилган. Ушбу низом талаблари қўпол равишда бузилишининг сабаблари нимада?

***Шу йилнинг 1 июль санасида Андижон вилоятининг Хонобод шаҳридан Қорақалпоғистоннинг Мўйноқ туманига (2200 км. масофа) пиёда йўлга чиққан Соҳиб Ражабов Хоразмга 10 октябрда етиб келган эди. Гарчи, ноўринроқ ўхшатиш бўлса-да, шу даврда сертификатлар яёв олиб чиқилганда ҳам Тошкентдан Хоразмгача етиб келган бўлар эди.***

Ушбу муаммо фақат Урганч шаҳрига хос эмас, шекилли. Сабаби, шу йил 25 октябрь куни ижтимоий тармоқларда сертификатлар кечикиши юзасидан Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси ахбороти эълон қилинди. Унда айрим ҳудудий халқ таълими бошқармалари аттестация комиссиялари томонидан сертификатларга буюртмалар тақдим этилмагани сабабли сертификат ўз муддатида тарқатилмасдан қолаётгани кўрсатилган. Шу ҳам баҳонами? Али Валига, Вали Алига айб тўнкаши муаммонинг ечими эмас-ку?!

Қолаверса, шу куни халқ таълими вазирлигининг uzedu каналида ўқитувчиларнинг малака тоифа сертификатларига оид маълумот берилди. Унда «...тегишли аттестация комиссиялари томонидан талабгорга нисбатан қабул қилинган қарор асосида халқ таълими бошқарув идоралари ва мактаб директорлари томонидан малака тоифасини бериш юзасидан буйруқ қабул қилинади. Мазкур буйруқ қабул қилган кундан бошлаб, талабгор эга бўлган малака тоифасига мувофиқ ойлик маош тўланиб борилади. Яъни аттестация комиссияси томонидан тегишли малака тоифаси сертификати берилган кун эмас, балки малака тоифасини бериш тўғрисидаги буйруқ муҳим рол ўйнайди» деб кўрсатилган.

Биз Хоразм вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси юридик бўлими мутахассислари билан маслаҳатлашганимизда ҳам буйруқ муҳим аҳамият касб этишини билдиришди.

***Бугун ахборот асрида яшаяпмиз, деб такрорлашни яхши кўрамиз. Наҳотки, шундай даврда халқ таълими тизимида электрон тарзда сертификат беришни йўлга қўйишнинг иложи йўқ?***

Аммо айрим мутасаддилар, негадир, буни тан олишни исташмаяпти. «Сертификатлар етиб келиши билан тоифалар орасидаги фарқларни тўлаб берамиз» дейишдан нарига ўтишмаяпти.

Шу йилнинг 15 октябрига қадар 62 нафар ўқитувчининг сертификати етиб келган. Иккинчи тоифа олган 250 нафар ўқитувчининг сертификати ҳалигача йўқ.

Ўқитувчилар тоифалар учун устамаларни ўз вақтида олганида, бу маблағни қиш учун озиқ-овқат жамғариш, талаба фарзандларининг контракт тўловларини тўлаш ёки бошқа мақсадларга сарфлаши мумкин эди. Яна бир жиҳати, аттестациягача олий тоифа учун устама олиб келган, аттестациядан муваффақиятли ўтган олий тоифали ўқитувчилар ҳам шу сертификат можароси туфайли мутахассис тоифасида иш ҳақи олмоқда. Ўтган даврдаги инфляция даражасини, бозордаги нарх-наволар ўзгарганини инобатга олсак, бу ўқитувчилар учун ҳар томонлама зарарли бўлганини англаш қийин эмас. Бир вақтнинг ўзида 312 нафар ўқитувчига ўтган олти ой учун ойлик маош фарқларини тўлаш бюджет маблағларининг сарфланишида ҳам муаммолар келтириб чиқармайдими? Республикамизнинг бошқа ҳудудларида ҳам бу масалада муаммолар борлигини инобатга олсак, рақамлар янада залворли бўлиши аниқ.

Бугун ахборот асрида яшаяпмиз, деб такрорлашни яхши кўрамиз. Наҳотки, шундай даврда халқ таълими тизимида электрон тарзда сертификат беришни йўлга қўйишнинг иложи йўқ?

Шу йилнинг 1 июль санасида Андижон вилоятининг Хонобод шаҳридан Қорақалпоғистоннинг Мўйноқ туманига (2200 км. масофа) пиёда йўлга чиққан Соҳиб Ражабов Хоразмга 10 октябрда етиб келган эди. Гарчи, ноўринроқ ўхшатиш бўлса-да, шу даврда сертификатлар яёв олиб чиқилганда ҳам Тошкентдан Хоразмгача етиб келган бўлар эди.

Ишқилиб, мутасаддилар сансоларликни тезроқ бас қилиб, масалага тезроқ ижобий ечим топишсин. Ўқитувчиларимиз ҳалол меҳнати ва билими эвазига қўлга киритган тоифалари ҳузурини кўриб, Янги йилни хуш кайфиятда, тўкин дастурхон атрофида кутиб олишини истаймиз.

**Сафаргул БЕРДИЕВА,**
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Урганч шаҳар кенгаши раиси

Фарғона вилояти

Мушоҳада

# Буюк алломанинг мунғайган мақбараси

## ёхуд давлат муҳофазасидаги зиёратгоҳга қачон эътибор қаратилади?






**Риштон туманидаги «Соҳиби Ҳидоя» зиёратгоҳини нафақат юртдошларимиз, балки хорижлик сайёҳлар ҳам яхши билишади. Бу масканда машҳур фиқҳ олими ар-Рошидонийнинг мақбараси жойлашган.**

Имом Бурҳониддин али ибн Абу Бакр ибн Абдужалил Ал-Фарғоний ар-Рошидоний Ал-Марғилоний Ислом ҳуқуқшунослиги илмининг забардаст олимларидан бири бўлган. Алломанинг «Ҳидоя фи фуруъ ал-фиқҳ» асари халқ орасида кўпроқ «Соҳиби Ҳидоя» номи билан машҳур. Мазкур асарда шариат қонунлари акс этган бўлиб, дунёнинг кўпгина давлатларида ҳозиргача ҳам амалда қўлланилаётгани айни ҳақиқатдир.

2000 йилда алломанинг юбилейи муносабати билан «Соҳиби Ҳидоя» зиёратгоҳида кенг кўламли қурилиш ишлари олиб борилган. Ҳудуд обод этилиб, аллома мақбараси қайта тикланган. Мақбарага элтувчи йўл қурилиб, ёритгичлар ўрнатилган.

> ***Алломанинг «Ҳидоя фи фуруъ ал-фиқҳ» асари халқ орасида кўпроқ «Соҳиби Ҳидоя» номи билан машҳур. Мазкур асарда шариат қонунлари акс этган бўлиб, дунёнинг кўпгина давлатларида ҳозиргача ҳам амалда қўлланилаётгани айни ҳақиқатдир.***

Афсуски, бугун зиёратгоҳ, давлат муҳофазасига олинган бўлса-да, ачинарли ҳолга келиб қолган. Айниқса, мақбаранинг гумбаз қисми аянчли ҳолатда. Деворлари нураб, ғиштлари кўриниб қолган. Зиёратгоҳ атрофида ободонлаштириш ишлари олиб борилмагани учун ҳам нохуш манзара касб этган. Йўлни ёритувчи чироқдан, текис йўлдан асар ҳам қолмаган. Сирасини айтганда, бундан салкам 20 йил олдин обод масканга айланган мажмуа, бугун яна жиддий таъмирга муҳтож. Бундан ташқари, бу жойга келувчиларга яратилган шароитлар талаб даражасида эмас.

– Бу ерга араб давлатлари, Франция, АҚШдан сайёҳлар келишади, – дейди «Чиннигарон» маҳалласида яшовчи Йигитали Эргашев. – Гапнинг очиғи, унинг абгор ҳолатини хорижлик меҳмонларга кўрсатишга уяласан киши. Зиёратгоҳни обод масканга айлантириш бўйича бормаган идорамиз қолмади. Туман, вилоят ҳокимлигигача мурожаат қилдик (ҳозир бу масъулларнинг кўпи ишдан бўшаб кетган). Лекин бирортаси мақбарани таъмирлаш, зиёратгоҳни обод қилиш учун кўмак кўрсатишни муҳим деб билмаяпти.

– Зиёратгоҳга ёз фаслида 2 нафар франциялик сайёҳ ташриф буюрди – дейди ўзини зиёратгоҳ қоровули деб таништирган Толибжон Мамажонов. – Улар мақбарани томоша қилиб, қўллари билан ҳадеб гумбазнинг кўчган деворларини кўрсатиб, бир-бирлари билан мен тушунмаган тилда нималарнидир гаплашарди. Тушунмасам-да, юракдан сездим: абгор ҳолатни айтишмоқда. Тўғриси, уялдим... Аммо зиёратгоҳни обод этиш бир кишининг қўлидан келмайди...

Ўйлаймизки, биз кўтарган мавзу мутасаддиларнинг эътиборидан четда қолмайди.



**Жамшид ЭРГАШЕВ,**
**«Ishonch»**

---

Таҳлил

# «ТИҒ ТАДБИРИ»даги «топилмалар»

## ёхуд ўқувчилар жиноят кўчасига қандай кириб қолмоқда?



Умумтаълим мактабларида ўқувчилар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида турли профилактик, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилади. Унда туман Ички ишлар бўлими ва маҳалла фуқаролар йиғини инспекторлари болалар билан суҳбатлашади, дарсга келмаётган ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари билан мулоқот қилиб, вазиятни ўрганади. Болани мактабга қайтариш чораларини кўради.

– Туманимиздаги 19 та умумтаълим мактабида ҳар ҳафта шундай тадбирлар ўтказамиз, – дейди Миробод тумани ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси Вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш гуруҳи раҳбари Самариддин Зайниддинов. – Хусусан, мактаблар директорлари ҳамда туман ИИБдан бириктирилган инспекторлар иштирокида «Тиғ тадбири» рейдлари ўтказилади. Унда ҳар бир ўқувчининг сумкасида ўткир тиғли ашёлар, бировга зарар етказиши мумкин бўлган нарсалар бор-йўқлиги текширилади. Ўтган икки ой давомида 3 нафар мактаб ўқувчиси ва бир нафар лицей ўқувчисининг сумкасидан ошхона пичоқлари топилди ва олиб қўйилди. Ўша ўқувчилар мактаб ва лицейнинг ички профилактик назорат рўйхатига киритилиб, тушунтириш ишлари ва ота-оналари билан суҳбатлар ўтказилди. Аммо, афсуски, ҳалигача ота-онаси эътибор бермаётган, феъл-атворида қизиққонлик устунлик қилувчи болаларнинг тиғли нарсаларни олиб келиш ҳолатлари учраб турибди.

Шу йилнинг сентябрь ойида Шайхонтоҳур туманидаги 324-мактабнинг 11-синф ўқувчиси шу тумандаги 102-мактаб ўқувчисига дарсдан ташқари пайтда, яъни кўчада келиб чиққан жанжал туфайли чап кўкрак соҳасининг орқа томони ҳамда чап думба соҳасига ўткир тиғли жисм билан уриб тан жароҳати етказган. Жабрланувчининг ҳаёти вақтида кўрсатилган тиббий ёрдам туфайли сақлаб қолинган. 324-мактаб ўқувчиси эса жиноят содир этишда айбланиб, қамоққа олинган.

Ушбу ҳолат юзасидан пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур тумани Ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосари Исломбек Жаҳонгиров билан ҳам боғландик. Унинг маълум қилишича, октябрь ойида тумандаги 40 га яқин мактабда ўтказилган «Тиғ тадбири»да 5 нафар ўқувчидан пичоқ, 1 та тўқмоқ ва 2 та қўлга кийилувчи темир мослама (кастет) топилган.

Шу ўринда савол туғилади. Ўқувчининг пичоқ олиб юриши, унинг руҳиятидаги ўзгаришларни, наҳотки, ҳеч ким сезмаган? Мактаб ва оиладаги муҳит қандай бўлган?

324-мактаб маъмурияти билан суҳбатлашиб, шуни билдикки, ўша ўқувчи шу вақтгача устозларидан тез-тез танбеҳ ва огоҳлантиришлар эшитган. Бир неча бор ўқувчининг ота-онаси мактабга чақирилиб, боланинг тарбиясига эътиборли бўлишга чорланган.

– Аммо оилада бола учун эътибор етарли бўлмаган, – дейди Исломбек Жаҳонгиров. – Ўқувчининг отаси ҳайдовчи бўлиб ишлаган. Онаси эса бозорда савдо билан шуғулланган. Ўз ҳолича улғая бошлаган болани кўча муҳити ўзига тортган.

Ўқувчиларнинг мактабга пичоқ билан келиши, юқоридаги каби жиноятларга қўл уриши ортида қандай сабаблар бор?

Ҳозирги пайтда кўп ўқувчилар ёшлигиданоқ жанговар кино ва мультфильмларни кўриб улғаймоқда. Айрим ёшлар жангари компьютер ўйинларига муккасидан кетган. Бу эса, уларнинг дийдаси қотишига, руҳиятида тажовузкорлик пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда.

– Пойтахтимизда «Play station» (компьютер ўйинлари ўйнатадиган клуб)ларда кеч соат 23:00, 24:00 ларда ҳам ўсмир болалар ўтиради. Уларни кўрсак, ота-онасига хабар берамиз, – дейди Исломбек Жаҳонгиров. – Ота-оналар кечаси боласининг ким билан қаерда юргани билан қизиқиши, бунга оддий ҳол сифатида қарамаслиги керак.

Ўқувчилар жиноятчилигига қарши курашишнинг йўллари кўп. Энг самарали йўллардан бири – таълим масканларида ҳақиқий психолог мутахассис кадрлар фаолиятини йўлга қўйиш ва жонлантиришдан иборат. Психолог синф раҳбарларининг энг яқин ёрдамчиси бўлиши, у руҳиятида ўзгариш бўлаётган ўқувчилар рўйхатини шакллантириб, улар билан алоҳида машғулотлар ўтказиши, ота-оналари билан ҳамкорликда боланинг аҳволини яхшилаш устида иш олиб бориши лозим.

Лекин... Халқ таълими вазирлиги қошидаги Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик республика ташхис маркази маълумотларига кўра, айни пайтда республикамиздаги 10 мингга яқин мактабнинг 97 фоизида психолог мавжуд. Аммо уларнинг 41,5 фоизигина ҳақиқий мутахассис, 58 фоизи эса номутахассис педагог, қолганлари ўрта махсус билимга эга кадрлар. Хўш, бу кўрсаткичлар билан мактабларда мўътадил психологик муҳитни яратиш мумкинми?

Шу соҳада иш олиб борадиган мактаб директорларининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарларига эса катта масъулият юкланган. Улар 20 га яқин йўналишдаги ишларнинг ҳар бири учун алоҳида йиллик режа тузади. Ижро бўйича тадбирлар ўтказиб, сурат ва ҳисоботини илгари 20 тани ташкил этган, ҳозирда эса қисқартирилган, аммо мазмунан ўша-ўша ҳажмдаги «папка»ларга жойлаштиради. Бундан ташқари, туман халқ таълими бўлимидан маънавиятчиларнинг телеграм канали орқали бериладиган турли тезкор топшириқларга жавоб тайёрлаш... Буларнинг барчаси маънавиятчининг энг асосий иши – муаммоли ўқувчилар билан ишлаш, дарс қолдирувчилар аҳволини ўрганиш каби вақт ва эътибор талаб қилувчи вазифалардан узоқлаштиради.

**Назаримизда, мактабларнинг психолог кадрларга бўлган талабини қондириш, борларининг эса билим ва малакасини янада оширишга зарурат кучаймоқда. Шу билан бирга, ҳужжат ишлари билан боғлиқ қоғозбозликни қисқартириш ёки қоғозбозлик ишлари учун ёрдамчи штат ташкил этиш зарурга ўхшайди. Балки, биз бироз юзакироқ фикр юритгандирмиз-у, аммо бу муаммо жамиятда мавжуд. Шундай экан, мутахассисларни кенгроқ мушоҳадага чорлаб қоламиз.**



**Зебо НАМОЗОВА,**
**«Ishonch»**

---

*Ҳурматли юртдошлар!*

## ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ

**Янги йил байрами муносабати билан**

*2019 йил 29 декабрдан 2020 йил 10 январь кунига қадар ҳар куни соат 10:00, 12:00, 14:00, 16:00, 18:00 да «Тролли-Бум» деб номланган байрам томошаларини намойиш этади!*

**Томошаларга таклиф этамиз!**




---

Эълонлар

## «TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖ

*бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши шаклида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!*

Очиқ аукцион савдосига Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси буюртманомасига асосан Федерация балансида бўлган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Чинобод (О.Зокиров) кўчаси, 88-уй манзилида жойлашган «Минерал сув қуйиш цехи бино ва иншоотлари»нинг бир қисми (кадастр ҳужжати бўйича Литер-1 рақамли Компрессор биноси, Литер-2 рақамли ҳовуз иншооти, Литер-3 рақамли Цех биноси, Литер-4 рақамли Маъмурий бино ва навес, Литер-5 рақамли Ошхона биноси, Литер-6 рақамли Қоровулхона биноси) қўйилмоқда.

**Бошланғич баҳоси** – 2 357 455 322 сўм.

Савдода иштирок этиш учун талабгорлар томонидан тўланадиган закалат пули миқдори кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда белгиланади ва савдо ғолибига 10 (ўн) кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади.

**Очиқ аукцион савдоси 2019 йил 26 декабрь куни соат 11:00да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Авлиё ота кўчаси, 13-уйда бўлиб ўтади.**

**Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда такрорий савдоси 2020 йилнинг 10-, 24 январь кунлари соат 11:00да бўлиб ўтади.**

**Аукцион савдосида иштирок этиш истагини билдирган шахслар «Закалат пули тўғрисидаги келишуви» ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «TASHKENT REALTOR SERVICE» МЧЖнинг ҳисобрақамига (банк: «Ипак йўли» АИТБ Тошкент шаҳар Миробод филиали, ҳ/р: 20208000804876496001, МФО: 01101, СТИР: 301 743 808) тўлашлари лозим.**

Шунингдек, Риэлторлик хизматларининг миллий стандарти (2-сон РХМС)га асосан талабгорларга кўчмас мулк бозорида ахборот ва маслаҳат хизматлари кўрсатилади ҳамда риэлторлик хизматларини кўрсатиш бўйича шартномалар тузилади.

**Очиқ аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни топшириши керак:**

– юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида ишончнома;

– жисмоний шахслар учун – паспорт нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида ишончнома.

Мазкур ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб, ташкилотнинг расмий иш кунларида соат 9:00дан 16:00гача Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Авлиё ота кўчаси, 13-уйда қабул қилинади ва савдодан бир кун олдин соат 16:00да тўхтатилади. Такрорий савдолар учун савдодан бир кун олдин соат 16:00да тўхтатилади.

**Қўшимча маълумотларни** www.realtorg.uz электрон манзили ёки 78-170-78-13 телефон рақами орқали **олиш мумкин.**

**Хизматлар лицензияланган.**

*Қурилиш соҳасидаги барча пудрат ташкилотлари диққатига!*

## Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ҳузуридаги «Ўрмонқурилиш» давлат унитар корхонаси қуйидаги объектларни қуриш бўйича танлов ўтказилишини эълон қилади:

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳудудида мазкур университетнинг биология факультети учун **«Виварий»** ва **«Оранжерея»** биноларини қуриш.

**Буюртмачининг юқоридаги объектларни қуриш учун белгилаган бошланғич нархи:**

– **«Виварий»** объектининг бошланғич нархи – **742 612 506 сўм** (ҚҚС билан). Ишларни тугаллаш муддати – 2020 йил 1 январь.

– **«Оранжерия»** объектининг бошланғич нархи – **3 636 031 851 сўм** (ҚҚС билан). Ишларни тугаллаш муддати – 2020 йил 1 январь.

Қурилиш ишларини молиялаштириш Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ҳузуридаги «Ўрмонқурилиш» давлат унитар корхонаси маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

**Буюртмачи:** Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ҳузуридаги «Ўрмонқурилиш» давлат унитар корхонаси.

Талабгор сифатида иштирок этадиган пудрат ташкилотлари ишлаб чиқариш базалари, қурилиш соҳасидаги салоҳияти, меҳнат ресурслари, молиявий имкониятлари етарли бўлиши шарт.

**Танлов савдоларида иштирок этиш учун ва танлов ҳужжатларини олиш учун буюртмачига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:** Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, «М» мавзеси, Чўпонота кўчаси, 28-А уй.

**Маълумот учун телефон:** (+99895) 342-42-45.

Танлов савдолари матбуотда эълон чоп этилгандан 10 кундан сўнг Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, «М» мавзеси, Чўпонота кўчаси, 28-А уйда ўтказилади.

**Хизматлар лицензияланган.**

## «FARG'ONA MULK SERVIS» МЧЖ

*бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!*

**Очиқ аукцион савдоларига «Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи» МЧЖнинг 10.10.2019 йилдаги 21-22/53-сонли хатига асосан носоз ҳолдаги қуйидаги техникалар қўйилмоқда:**

| № | Русуми | Т/В тури | Давлат рақами | Ишлаб чиқарилган йили | Жойлашган манзили | Бошланғич баҳоси (сўм) |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | САЗ 3307 | юк | 40684QAA | 1993 | 23-цех | 13 432 064 |
| 2 | Э- 1258 | махсус | П 13221 | 1970 | 23-цех | 107 794 260 |
| 3 | Э-1203 | махсус | П 26707 | 1970 | 23-цех | 195 026 280 |
| 4 | ГАЗ-53 | махсус | 40 496QAA | 1988 | 13-цех | 14 400 029 |
| 5 | DAMAS VAN | юк | 40 862LAA | 2010 | 13-цех | 14 054 165 |
| 6 | ЗИЛ-130 | автокран | 40403QAA | 1982 | Поп шаҳри | 25 241 040 |
| 7 | Скрепер | Д377А | Д377А | 1989 | Ангрен шаҳри | 20 564 184 |
| 8 | ТТЗ 80 | трактор | 66-85 ЕМ | 2004 | 23-цех | 9 270 000 |
| 9 | ММЗ-45021 | юк | 40 481QAA | 1989 | 13-цех | 14 175 000 |
| 10 | ЗИЛ 130 | юк | 40 682QAA | 1991 | 23-цех | 14175000 |
| 11 | Дамас NBB | махсус | 40 295QAA | 2005 | 13-цех | 13797965 |
| 12 | Дамас NBB | махсус | 40 296QAA | 2005 | 13-цех | 13797965 |
| 13 | DAMAS VAN | юк | 40 843LAA | 2010 | 13-цех | 14 054 165 |
| 14 | К-701 | трактор | 66-58 ЕМ | 1991 | Автонефттранс | 33 415 260 |
| 15 | К-701 | трактор | 78-54 НБ | 1985 | Автонефттранс | 33 415 260 |
| 16 | Экскватор ЭО-2621 | трактор | 78-53 НБ | 1985 | Автонефттранс | 27 091 892 |
| 17 | 2 ПТС | прицеп | 51-62 ЕМ | 2005 | Автонефттранс | 3 453 000 |
| 18 | 2 ПТС | прицеп | 53-15 ЕМ | 2009 | Автонефттранс | 3 453 000 |

**Аукцион савдолари 2019 йил 26 декабрь куни соат 10:00да бўлиб ўтади.**

Аукцион савдосига талабгорлардан талабномалар хабарнома чиққан кундан бошлаб, иш кунлари соат 10:00дан 16:00гача қабул қилинади.

**Талабномалар қабул қилишнинг охирги муддати:** 2019 йил 24 декабрь соат 16:00 гача.

**Талабгорлар диққатига!**

Юқорида кўрсатилган техникалар 2019 йилнинг 26 декабрь кунги аукцион савдода сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2020 йилнинг 9-, 16 январь кунлари соат 10:00 да бўлиб ўтишини маълум қиламиз.

Такрорий савдога аризалар қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин тўхтатилади.

Аукцион савдосига қўйилган техникаларга қизиқиш билдирган талабгорлар «Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи» МЧЖнинг транспорт бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб яқиндан танишишлари мумкин.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 (ўн) иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Закалат келишув» шартномасига асосан «FARG'ONA MULK SERVIS»МЧЖнинг ҳисобрақамига (банк: ХАБ «Трастбанк» Фарғона филиали, ҳ/р: 2260 4000 6003 9634 2001. МФО: 01123. СТИР: 303 054 753) тўлашлари шарт.

**Мурожаат учун манзил:** Фарғона шаҳри, С.Темур кўчаси, 45-уй, 3-қават. **Тел:** +99895-402-54-75.

**Гувоҳнома № 1894.**

Раубаев Саидахмат Ахмедович номига 06.05.2017 йилда берилган Уйга эгалик ҳуқуқини берувчи №10-21/404 рақамли Давлат ордерининг йўқотилган дубликати ҳаққоний эмас деб саналсин!

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши жамоаси Қорақалпоқ давлат университети бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси **Маҳмуд НУРАНОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ва касаба уюшма фаоллари Қорақалпоқ давлат университети касаба уюшма қўмитаси раиси **Маҳмуд НУРАНОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

2019 ЙИЛ 26 НОЯБРЬ, СЕШАНБА
№ 141 (4270)

Фотолавҳа




ЎзА сурати

Қорақалпоғистон Республикаси

### Миннатдорлик

*Олий маълумотли тарих фани ўқитувчисиман. Кўп йиллик меҳнат фаолиятим давомида қатор методик қўлланмалар яратганман. Қорақалпоғистон Республикаси Халқ таълими аълочисиман. Касбимни жуда яхши кўраман.*

## Раҳмат, «ISHONCH»!

Аммо 2005 йили соғлиғим туфайли III-гуруҳ ногирони бўлиб қолдим. 2009 йили эса II-гуруҳ ногиронлиги берилди. Касбга меҳрим барибир бошқача эди. Шу сабаб мурожаат қилдим: таълим даргоҳларида ишласам... Қўнғирот туманлараро тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси дарс беришдан ташқари бўлган енгил жисмоний ва ўрта ақлий бўлган меҳнат турлари методик ишлар билан шуғулланишим учун тавсия берди.

Шундан сўнг, яъни 2017 йилдан буён ишга жойлашиш бўйича кўплаб ташкилотларга мурожаат этдим, мутасадди раҳбарлар қабулида бўлдим. Бироқ ишим ҳал бўлмади. Қонунчиликка мувофиқ меҳнат қилиш ҳуқуқига эга бўлсам-да, икки йил мобайнида «Бор отанга, бор онангга» қабилидаги жавоблар берилаверди. Аниқроғи, вазирлик ва ташкилотларнинг тавсиялари Қонликўл тумани халқ таълими бўлимига таъсир кўрсатолмади...

Шунча югур-югурлардан сўнг, умидим узилай деганда... «Ishonch» газетасига мурожаат этдим.

Ва, биласизми?.. Йиллар давомида ечимини топмай келаётган муаммо ҳал этиладиган бўлди. Яъни, 2020 йилдан қайта ташкил этиладиган «Баркамол авлод болалар мактаби»да методист лавозимига номздим тавсия этилди. Ниҳоят, кўп йиллик меҳнат тажрибам ва билимимни болалар тарбиясига бағишлайдиган бўлдим.

Бунинг учун таҳририятдан чин кўнгилдан миннатдорман! Жамоанинг ижодий ишларига юксак парвозлар тилайман. Халқимиз манфаати йўлидаги хайрли ишларда асло чарчаманг!

**Полвонбой ДАУЛЕТМУРОДОВ**
Қонликўл тумани




Таклиф

# «ЎЗБЕК ТИЛИ» ҚОМУСИ ЯРАТИЛСА...

**Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганига 30 йил тўлиши муносабати билан бўлиб ўтган байрам тадбирида Президентимиз сўзлаган нутқида белгилаб берилган долзарб вазифалардан бири ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятлари, шевалари, тарихий тараққиёти, унинг истиқболи билан боғлиқ илмий тадқиқотлар самарасини ошириш эди.**



Бу вазифани тўлақонли бажариш олимларимиз олдига яқин истиқболда муҳим қомус – «Ўзбек тили» энциклопедиясини яратишни тақозо этади.

Ўзбек тили – туркий тиллар оиласидан илк бор ажралиб чиққан тиллардан бири. Агар яқин йиллар ичида шундай энциклопедия яратилса, ўзбек тилининг:

а) туғилиш, шаклланиш ва тараққиёт йўлларини мўътабар манбалар асосида кўрсатиш;

б) учта катта лаҳжа ва бир қанча маҳаллий шевалардан таркиб топган азамат лисоний дарахт сифатидаги образини гавдалантириш;

в) олтой тиллари оиласига мансуб бўлганлиги сабабли, шу лисоний оиланинг туркий тиллардан ташқари, япон, корейс, венгер каби тиллар билан муносабатига аниқлик киритиш;

г) туркий (ўзбек) тилидаги ёдгорликлар, илм-фан ва адабиёт асарларининг майдонга келишида урхун-енисей (V-VIII асрлар), араб (XI асрдан 1929 йилгача), лотин (1929-1940 йиллар), кирилл (1940 йилдан 1993 йилгача) ёзувларидан фойдаланганини ўрганиш;

д) шу даврларда яшаган Маҳмуд Кошғарий ва Юсуф хос Ҳожиб сингари тилшунос олим ва шоирларнинг туркий тилини ташкил этган сўз, ибора, мақол ва маталлар ҳамда халқ қўшиқларини тўплаш соҳасидаги хизматларини белгилаш;

е) Лутфий, Саккокий, Алишер Навоий, Бобур каби шоирлар (XX асрда эса Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ғафур Ғулом, Ойбек, Миртемир каби шоир ва ёзувчилар) ижодининг ўзбек адабий тилининг шаклланишидаги роли ва аҳамиятини инкишоф этиш каби бир қатор муҳим ва мураккаб масалалар энциклопедияда ўз талқинини топган бўларди.

Эниклопедияда ўз аксини топадиган масалалардан бири ўзбек тилининг бошқа туркий тиллардан фонетик, морфологик, синтактик ва лексик ўзига хос хусусиятлари ва белгилари билан ажралишидир. Яна шу нарса муҳимки, бошқа тиллар сингари ўзбек тили ҳам ўсиш ва ривожланиш жараёнида турли омиллар таъсирида бир қатор сўз (архаизм)лардан воз кечиб ва бир қатор янги сўз (неологизм)лар билан бойиб борди. Агар олдинги тарихий даврларда ўзбек тилига мўғул, араб ва форс тилларига мансуб сўз ва атамалар кўплаб кириб келган бўлса, XX асрда русча-байналмилал сўзлар ўзбек тилининг луғат фондида катта мавқени эгаллай бошлади. Мустақиллик йилларида эса инглиз тилининг таъсири, айниқса, бизнес, спорт, инвестиция каби соҳаларда кучайиб бормоқда.

Ўзбек тили адабий тил сифатида шаклланаётган даврда араб ва форс тилларининг жамият ҳаётидаги мавқеи беҳад даражада катта эди. Шу ҳол XIX аср охири – XX аср бошларигача давом этиб келди. Шу йилларда жунбушга келган жадид маърифатпарварлик ҳаракати ва адабиёти ўз олдига янги ўзбек адабий тилини яратиш мақсадини ҳам қўйди. Янги ўзбек миллий матбуоти ва адабиётининг туғилиши ҳамда шаклланиши жараёнида бу адабий тил атак-чечак қила бошлади. 20-йилларнинг ўрталарида Абдулла Қодирий қаламига мансуб «Ўткан кунлар» ва «Меҳробдан чаён» романларининг, Чўлпон шеърлари ва ҳикояларининг, 30-йилларнинг аввалида эса «Кеча ва кундуз» романининг яратилиши янги ўзбек адабий тилининг тўла шаклланганини намойиш этди. Шунга қарамай, Чўлпон Л.Сайфуллинанинг «Ичкари», Шекспирнинг «Ҳамлет» асарларини таржима қилишга киришганида ўзбек тилининг ҳали етарли даражада шаклланмаганини сезди. Аммо у бу ҳар икки асарни таржима қилиш жараёнида ўзбек тилининг луғат таркибини бойитиш, бадиий услуб масалаларига сайқал беришга қаратилган шундай ишларни амалга оширдики, «Ҳамлет»нинг таржимаси янги ўзбек адабий тили ва таржима адабиётининг дурдона асари бўлиб қолди.

> *Ўзбек тили адабий тил сифатида шаклланаётган даврда араб ва форс тилларининг жамият ҳаётидаги мавқеи беҳад даражада катта эди. Шу ҳол XIX аср охири – XX аср бошларигача давом этиб келди. мақсадини ҳам қўйди.*

Жаҳон адабиётининг ҳар бир асарида тасвир этилган халқнинг тарихи, маиший ва маданий ҳаётига доир шундай сўз ва тушунчалар бўладики, уларни бошқа бир тилга таржима қилиш осон эмас. Тажриба шуни кўрсатадики, Абдулла Қодирий ва Чўлпон асосчилари бўлган янги ўзбек адабий тили луғат таркиби ва бадиий усул ва услубларига кўра бой тиллар даражасига кўтарилдики, бу тилга Шекспирдан тортиб ҳозирги жаҳон адабиёти намояндаларининг асарларига қадар ҳаммасини таржима қилиш мумкин. Ривожланган ҳар бир тилнинг шундай ички имкониятлари бўладики, бадиий таржима жараёнида шундай имкониятлар булоғи янада жўшиб, тил бойишда давом этади. Ҳозирги ўзбек адабий тили шундай буюк тиллардан биридир.

Ўзбек тилининг ҳанузгача ўрганилмай келаётган масалаларидан бири, бир томондан араб ва форс тилларининг, иккинчи томондан лаҳжа ва шеваларнинг ўзбек адабий тилининг шаклланишидаги роли ва ўрни бўлса, иккинчиси ўзбек (туркий) тилининг рус ва бошқа тилларга кўрсатган таъсири масаласидир...

Шундай ва бошқа қатор муҳим тилшунослик масалаларининг «Ўзбек тили» энциклопедиясидан ўрин олиши ва илмий жиҳатдан тўғри ёритилиши ўзбек тилшунослик фанининг ривожланишида муҳим омил бўлади.



**Наим КАРИМОВ,**
академик

Хоразм вилояти

Ижтимоий ҳимоя

# Қалб кўзи ёпилмасин!

## Ёхуд лоқайдлик оқибатлари



### ҚАРЗ АСЛИДА КИМНИКИ?

Мамлакатимизда ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан биридир. «Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент фармони билан тасдиқланган «Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтиришга оид комплекс чора-тадбирлар дастури» асосида уларнинг турмуш даражасини янада яхшилаш, ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш борасида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Бироқ бу борада ҳали қилинадиган ишлар ҳам талайгина. Буни Ўзбекистон кўзи ожизлар жамияти Хоразм вилоят бўлими фаолиятида ҳам яққол кўриш мумкин.

Илгари Урганч шаҳар 1-маҳалла фуқаролар йиғини жойлашган бинода бугунги кунда республика кўзи ожизлар жамияти ва кар-соқовлар жамиятининг Хоразм вилояти бўлимлари фаолият юритмоқда. Бинонинг таъмирга муҳтожлиги, мебелларнинг эскилиги ходимларнинг ўз ишларини талаб даражасида бажаришларига монелик қилмаяпти. Аммо... бино газ тармоғидан ажратилган. Бу эса қишда бинони иситишда қийинчилик туғдиради.

Бўлим раҳбарининг айтишича, бино 1-маҳалла фуқаролар йиғини хизматида бўлган даврда газдан катта миқдорда қарздор бўлган. Мажбурий ижро бюроси бўлимдан ушбу қарзни тўлашни талаб қилган. Узоқ суд жараёнларига тоқат қилмаган бўлим мутасаддилари бинони газ тармоғидан ажратишни сўрашган. Чунки бўлим кимнингдир қарзини тўлашдан кўра аъзоларни қўллаб-қувватлашни афзал билган. Бу масала қонуний ечим топса, муаммо ўз-ўзидан ечим топиши аниқ. Бироқ унга мутасаддилар эътибор қаратиши керак.

### БАНДЛИК МАСАЛАСИ ҚАНДАЙ ҲАЛ ҚИЛИНМОҚДА?

Урганчдаги ўқув-ишлаб чиқариш корхонасида ишлаётган 76 нафар ишчининг 48 нафари кўзи ожиз. Бу ерда асосан бўз ишлаб чиқарилади. Кўрпа-тўшак тикилади. Бироқ кейинги пайтларда бўзга харидор кам. Маҳсулотнинг 15-20 фоизигина сотилмоқда. Корхона раҳбарининг айтишича, бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиққан ҳолда маҳсулот турини ўзгартириш ҳақида бош қотирмоқда. Жумладан, тиббиёт ваталарини ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилган.

Хивадаги ўқув-ишлаб чиқариш корхонаси биносида таъмирлаш ишлари бошланган. Бу ерда газоблок ишлаб чиқариш режалаштирилган.

Умуман олганда, вилоят бўйича жамият аъзоларидан 146 нафари доимий иш ўрнига эга. Уларнинг 126 нафари биринчи гуруҳ ногиронларидир.

Англашиладики, кўзи ожизларнинг иш билан бандлигини таъминлаш масаласи ҳам долзарб. Бунинг учун уларни касб-ҳунарга ўргатишга янгича ёндашувлар талаб қилинади. Албатта, муаммони биргина кўзи ожизлар жамияти ҳал эта олмайди. Тадбиркорлар, ишлаб чиқарувчилар қўллаб-қувватлаши лозим бўлади.

### ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИКЛАР НЕГА КЕРАК?

Бўлимнинг Хонқа туманида 11 гектар ёрдамчи хўжалиги бор. Ундан келадиган маблағ асосан иш ҳақи ва аъзоларни қўллаб-қувватлашга сарфланади.

– Ерни шартнома асосида деҳқонларга ижарага берганмиз. Етиштирилган гуручнинг аксарият қисмини аъзоларга тарқатамиз. Урганч ва Боғот туманлари бўлинмалари қошида ҳам ёрдамчи хўжаликлар ташкил қилинган. Барча туманларда ҳеч бўлмаганда 4-5 гектар ёрдамчи хўжалигимиз бўлса, туман бўлинмаларининг моддий-техник аҳволи яхшиланган, аъзоларни қўллаб-қувватлаш янада кучайган бўларди, – дейди вилоят бўлими раҳбари Бердиғали Толегенов.

> **Урганчдаги ўқув-ишлаб чиқариш корхонасида ишлаётган 76 НАФАР ИШЧИНИНГ 48 НАФАРИ кўзи ожиз. Бу ерда асосан бўз ишлаб чиқарилади. Кўрпа-тўшак тикилади. Бироқ кейинги пайтларда бўзга харидор кам. Маҳсулотнинг 15-20 ФОИЗИГИНА СОТИЛМОҚДА.**

### ҲОМИЙЛАР, ҚАЕРДАСИЗ?

Жамият аъзолари вилоятнинг турли ҳудудларида истиқомат қилишади. Вилоят бўлими мутасаддилари уларнинг ҳолидан мунтазам хабар ололмаяпти. Чунки бўлимда автомашина йўқ. Автобуслар қишлоқларнинг ички йўлларида юрмайди. Шундоқ ҳам даромади кам бўлган мутасаддилар ҳар доим ҳам таксидан фойдалана олмайди. Устига устак, савобталаб инсонларнинг ҳаммаси ҳам бу идораларга хайр-эҳсон қилавермайди. Бўлимдагилар фақат «Урганч ёғ мой» акциядорлик жамияти ва ЎзХДП вилоят кенгаши ёрдам қўлини чўзаётганидан миннатдор.

– Мустақиллик байрами арафасида вилоятнинг машҳур тадбиркорларидан бирининг олдига байрам муносабати билан уюштириладиган тадбирга ҳомийлик қилишини сўраб бордим, – дейди Бердиғали Толегенов. – У эса менга ҳокимликнинг рухсатисиз ҳомийлик қилолмаслигини айтди. Ёрдам сўрагани мга пушаймон бўлдим...

Тўғри, ҳеч ким ҳеч кимга ёрдам кўрсатишга мажбур эмас. Бироқ, қадриятларимизда у савоб амал саналишини ҳам унутмаслигимиз керак. Аслида, юртимизда савобталаб инсонлар кўп. Улар асосан Меҳрибонлик, Саховат ва Мурувват уйларига хайр-эҳсон қилишади. Бу жуда яхши. Аммо яхши инсонлар кўзи ожизлар жамияти ҳақида билмаслиги ҳам мумкин.

Айтайлик, 13 ноябрь – Халқаро кўзи ожизлар куни ҳисобланишини ҳамма ҳам билмайди. Бўлим томонидан сана муносабати билан жамият аъзоларига совғалар улашилди. Хивадаги 121-ихтисослашган кўзи ожизлар мактабида спорт мусобақаси уюштирилди. Бўлим раҳбари шу куни уларни фалон ташкилотдан йўқлаб келишгани ҳақида гапирмади. Биз ҳам хижолат қилмаслик учун ортиқча савол бермадик.



### ЯНА ҚАНДАЙ МУАММОЛАР БОР?

Хивадаги 121-ихтисослашган кўзи ожизлар мактаби бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Ҳурмат Матчонов «Брайл алифбоси»ни ўрганиш, ўқиш ва ёзишда зарур бўлган ускуна ва ашёлар етишмаслигини маълум қилди.

Кўзи ожиз инсонлар асосан йўлдан ёлғиз ўтишда, автобусга минишда қийналишади. Сабаби, светафорларда қайси чироқ ёнганлиги мусиқа ёки овоз билан эълон қилинмайди. Бекатга қайси автобус келганини ёнидагидан сўрамаса, бу ҳам овоз чиқариб эълон қилинмайди. Устига устак, Урганч шаҳрида бекатлар унчалик кўп ҳам эмас. Йўлнинг истаган жойида автобус тўхтатиш мумкин. Ҳатто, шоҳбекатларда қайси автобус қайси йўлакда туриши ҳақида ҳам аудио маълумотлар бериб борилмайди.

Ҳа, кўзи ожиз инсонлар ўзларини жамиятнинг тўлақонли аъзоси деб ҳис қилишлари ва мослашишларига тўғаноқ бўлаётган муаммолар кам эмас. Аммо уларни бартараф қилса бўлади. Президент фармонида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар аниқ ва равшан кўрсатилган. Улар ижросини тўлиқ таъминлаш орқали давлатимизни кучли ижтимоий ҳимоя сиёсатини амалга ошириш мумкин. Демак, ҳамма гап – ҳамкорликда!



**Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,**
**«Ishonch»**

МУАССИС:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

**Бош муҳаррир**
Ҳусан ЭРМАТОВ

**Бўлимлар:**
Касаба уюшмалари ҳаёти — (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт — (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт — (71) 256-82-79
Хатлар ва мухбирлар билан ишлаш — (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна — (71) 256-87-73

**www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.**

**Манзилимиз:**
100165, Тошкент шаҳри,
Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади.
Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. **Корхона манзили:** Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
**Баҳоси келишилган нархда.**

**Таҳририят ҳисобрақами:**
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank» Яшнобод филиали,
банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

**Ҳудудлардаги мухбирлар:**
Қорақалпоғистон Республикаси — (+998-99) 889-90-22
Андижон — (+998-99) 889-90-23
Бухоро — (+998-99) 889-90-31
Жиззах — (+998-99) 889-90-34
Наманган — (+998-99) 889-98-02
Навоий — (+998-99) 889-90-28
Тошкент — (+998-99) 889-90-25
Самарқанд — (+998-99) 889-90-26
Сирдарё — (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё — (+998-99) 889-90-32
Фарғона — (+998-99) 889-90-24
Хоразм — (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё — (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

**Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.**

**Навбатчи муҳаррир:**
С. Абдураҳмонов
**Мусаҳҳиҳ:**
С. Шодиева
**Саҳифаловчи:**
Ҳ. Абдужалилов

ЎзА якуни — **22:10**
Топширилди — **00:20**

Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Буюртма **Г — 1117.**
**27511** нусхада босилди.
Нашр кўрсаткичи: **133**

1 2 3 4 5